

MUHAMMAD RAHIMXON FERUZ- SHOH VA SHOIR

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8300259>

Mahmudova Dilafruz Sultannazirovna

Xorazm viloyati Urganch shahar

1-son kasb-hunar maktabi ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada Xorazm(Xiva) xoni, o`zbek qo`ng`irotlar sulolasidan, shoh va shoir, bastakor, davlat arbobi, zukko musiqashunos va sozanda, ilm-fan homiysi bo`lgan Muhammad Rahimxon Soniy-Feruz haqida fikr yuritilgan.

Kalit so`zlar

Xiva xonligi, Rusiya imperiyasi, vassal, toshbosma bayoz, musiqashunos, xattot

Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги ўзбек адабиётида ўзига муносиб ўринга эга бўлган адилардан биридир. У шоир, мусиқашунос, давлат арбоби ва феодал хукмдор эди. Феруз, яъни Муҳаммад Раҳим 1844 йилда Хивада Саид Муҳаммад оиласида tug`ldi. У бошланғич маълумотини хусусий муаллимдан олади, бироз муддат мадрасада таҳсил қўради, давлат, ҳуқуқ илмини унга замонасининг буюк ҳуқуқшунос олимлари ўргатадилар.



Оғаҳий Муҳаммад Раҳимга устодлик қилди, унга шеърият сирларини ўргатди, тарихдан, таржима илмидан сабоқ берди. У Ал-Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд каби буюк алломалар ҳақида дастлаб Оғаҳийдан дарс эшилди. Кейинчалик эса уларнинг ижодий меросларини тўплашга киришади ва Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини *yig`ib* бир китоб тартиб этади.

Муҳаммад Раҳим 1863 йилда отаси Саид Муҳаммадхон вафот этгандан кейин унинг ўрнига Хива хонлиги таҳтига ўтиради. Бу воқеага бағишлаб шуаро ва фузалолар тарих ва қасидалар битдилар, маснавийлар яратдилар. Оғаҳий томонидан битилган тарих ва ёзилган қасида esa алоҳида аҳамият касб этади.

Оғаҳийнинг Ферузга бағишилаган қасидасида унга отанинг ўз ўғлига, устоднинг шогирдига берган насиҳатлари, тилак ва истаклари,adolatparvarlik ва halqparvarlik bilan taxtni boshqarishi ифодаланган. Оғаҳийнинг ушбу қасидаси йирик панд-насиҳат ҳакидаги асар бўлиб, мамлакатни бошқаришда Феруз фаолиятида унга берилган йўл-йўриқ хам эди. Феруз бу вактда эндиғина ўн тўққиз баҳорни кўрган йигит бўлиб, ўн йилча мустақил равишда хонлик қилди. Аммо Русия империясининг Хива хонлигини босиб олиши натижасида, қолган даврда унинг вассали сифатида давлатни бошқарди.

Феруз саройига шоир, тарихнавис, олиму фузало, таржимону хаттот, табибу созанда ва шунга ўхшаш замонасининг маданият арбобларини атрофига тўплади. Феруз фан-маданият ривожига катта аҳамият берди. У ўз атрофига шоиру созандаларни тўплаб ҳар хафтада ғазалхонлик, шеърхонлик кечалари ташкил қилган. Бу ҳақда Баёний бундай ёзган: “Хон ҳазратлари хафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузиб, китобхонлик этдурур эрдилар”. Ферузнинг ўзиҳам шеър ёзган, ашула айтган ва мусиқа басталаган. Буни унинг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик, Ҳ. Сулаймонов номидаги Кўллёзмалар институтлари, Масков, Санкт-Петербург шаҳарлари ҳамда Британия, Франция, Туркия каби мамлакатларнинг қутубхоналарида сақланаётган “Ғазалиёти Феруз”, “Баёзи Феруз”, “Девони Феруз” асарлари ҳам тасдиқлайди.

Феруз шеърияти қўллёзма девон ва тошбосма баёзларда бизга тўлиқ етиб келган. Беруний номли Шарқшунослик инститutiда шоирнинг ўнга яқин ғазал мажмуалари мавжуд. Бундан ташқари унинг шеърлари ўша вактда Хоразмда тузилган турли хил баёз, мажмуалардан ҳам ўрин олган. Феруз ижодига назар ташлар эканмиз, унда шоир ғазалиётининг жуда кўп қисми sevgi va sadoqat, ишқ-муҳаббат мавзуига бағишиланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ишқ элин шоҳиман, vale oshiqinining qatoriida

Ушбу ҳазининг ул пари қўзига илмади, нетай.

Шоир ikki инсоннинг bir-biriga муҳаббатини улуғлади ва унга ҳар бир инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бири деб қаради. Инсон ва ҳаётни, севги ва садоқатни ўз ижодининг асоси deb bilgan Феруз севгини садоқатсиз, меҳрни оқибатсиз тасаввур қила олмайди. Булар шоир лирикасининг етакчи ғоявий асосини ташкил қилади. Унинг кўпчилик ғазаллари ўз замонасида созандалар томонидан куйга солиб куйланиб келинди. Улар бугунги кунда ҳам мусиқашуносларимизнинг дикқатини ўзига тортмоқда. Феруз ижод

ахлига ғамхўрлик қилди, уларга маош тайинлади. Уларнинг китобларини босиб чиқариш учун қўлидан келган барча ezgu ишларни амалга ошириди. Феруз шоирларнинг асарларидан иборат хар хил тазкиралар, баёзлар туздирди. “Ҳафт шуаро”, “Баёзи ғаза-лиёт”, “Баёзи мухаммасат”, “Баёзи мусаддасат” каби тўпламлар шулар жумласидандир. Ферузнинг ташаббуси билан истеъодли шоир Аҳмаджон Табибий “Мажмуат уш-шуаройи Ферузшохий”, “Мухаммасат уш-шуаройи Ферузшохий” тазкираларини тузди. Бу мажмуалар Феруз хонлик қилган даврда яратилган бўлиб, ўша давр адабий харакатини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қиласди.

Hasanmurod qori Muhammadamin o'g'li Lafasiyning «Xiva shoirlari va adabiyotchilarining tarjimai hollari» tazkirasida quyidagi hikoyat keltirilgan: «Doiy- Yusuf Hoji nomi bilan mashhur bo'lib, hamma vaqt Xiva ulamo va sipohilarini mazammat (mazax) etib, haqorat qilib yurur erdi. Feruz esa Doiyning hurmatnni joyiga qo'yar, unga in'om berib turardi. Muhammad Rahimxon Doiyni shul tariqa sipohiy va ulamolarni haqorat qilib, mazammat etishidan voqif ekanligiga qaramay, uni masjidi Kalon voizligi mansabiga tayinlaydi. Doiy masjidagi va'zlarida ham vazirlar va ulamolarni tanqid qiladi va ulardan shikoyat etib turadi. Aning har bir gapini xonga etkazib turardilar. Bir kun xon Islomxo'jaga: «Bugun nahordan juma masjidiga borgil va voiz nasihatlarini yana eshitib kelgil,- deb farmon berdi. Islomxo'ja o'zining yaqinlarini olib, namozga bordi. Yusuf Hoji ularni ko'rib mazammat etib aytadi: «Fuqaro - dehqonlarga jabr-zulm etib, alarning manglay teri bilan topilgan aqchalarini olib, bunday aqchalar bilan madrasa, masjid bino qildursa, qandoq savob bo'lur? Bunday ishlarning jazosini topsalar kerak...» Islomxo'ja ushbu gaplarni xonga so'zlab beradi. Xon esa... Doiyga sarupo in'om etadi».

Quyidagi shoh baytlaridan parcha :

Ul oy vasfini vird etsamzabonda
Necha yillar od obo`lmas bayinda
Debon ma`sruqing asru befodur
Manga ko`p ta`nalar aylar jahonda
Humoyun baxt il abo`lsun salomat
Agar bo`lsa habibim har makonda.
Agar Feruzlik iqbolihg esa
Visoliga yetushkuhg bir zamonda

Feruz mumtoz she'riyatning an'anaviy janrlarida lirik she'rlar yaratgan. She'rlari, asosan, ishq-muhabbat mavzuida bo'lib, inson va hayot, sevgi va sadoqat Feruz ijodining g'oyaviy asosini tashkil qiladi. Gazallari ohangdorligi, tasviriy-

ifodaviy bo'yoqlarga boyligi va shaklan rang-barangligi bilan ajralib turadi. Uning ko'pchilik g'azallari o'z zamonasida sozandalar tomonidan kuyga solib kuyylanib keltingan.

She'rlariga «Devoni Feruz» nomi bilan tartib bergan (1879). Bu devon Muhammad Sharif tomonidan qayta ko`chirilgan (1900). Feruzning o'zi Pahlavon Mahmudning 350 ruboisi qo'lida ko'chirib, kitob holiga keltirgan. She'rlar devoni nusxalari O'zbekiston Fanlar akademiyasi Sharqshunoslik instituti (inv. № 3442, 1119)da saqlanadi.

Feruz Shashmaqom kuylarini o'rgangan, saroyda maqom ansamblini tuzgan. «Navo», «Dugoh», «Segoh» maqomlariga bog'lab kuylar yaratgan. Feruz Sayd Mahruyjon majmuasidagi Sayid Mohi Ruyi Jahon maqbarasida dafn qilingan.

ADABIYOTLAR:

1.Rahim Davlatyor, Matrasul Sho'xnazar. Feruz. Shoh va shoir qismati. Toshkent, 1993.

2.Jumaxo'ja Nusratullo, Adizova Iqboloy. Feruz adabiy muhiti. „O'zbekiston adabiyoti va san'ati“ gazetasi, 1994-yil 1-iyul.

3. "Avaz" . Saylanma. Toshkent, 1984.

4. Sadriddin Salim Buxoriy. "Buyuk Xorazmiylar"